

I. Рўмончиликда таржима

Асрий адабиётга янгидан кира бошлагон халқлар адабиётнинг рўмон кисмини таржима билан очконлар. Яъни кайу бир халқнинг адабиётида яхши рўмон бўлса, уни таржима билан халқни ва ёзувчиларни у йўлга ўргата боргонлар. Сўнгра-сўнгра ундай рўмонларнинг таклидини ўз хаётларига уйдириб чикора боргонлар.

Ўзбеклар билан хаёт шериги ва маданият ўртоғи бўлгон рус адабиётида бу кайфият ўн еттинчи асрнинг ярмидан бошлаб ўн тўккузинчи асрнинг авваларигача — Пушкиннинг “Руслан ва Лудмила” номли асари чикканча(1821)га қадар давом эткан. Бу замонгача рус адабиёти Ёвропо адабиётини таржима ва таклидлар билан бу кунги оламшумул вазиятга хозирлик кўрган.

II. Ўзбек адабиётида рўмон

Ўзбек янги адабиётининг хали юртмачок холда бўлгонини айтишка ҳам хожат йўк. Айникса, рўмончиликда ҳеч бир турли хозирлиги ва тажрибаси йўқдур. Ўзбек адабиётининг рўмон жихатида таржимачилик ҳам сўнг замонгача бошланмагон эди. Ярим асрдан ошиқ русларнинг рухли ва аслий адабиётлари билан ёнма-ён яшагонимиз холда у адабиётдан ўзбек тилига ҳеч рўмон ўтмаган. У чексиз файз, ирфон денгизидан баҳра олмок учун йўл очилмагон.

Сўнг замонгача ўзбек адабиётида рўмон номига “Бахордониш”, “Юсуф-Зулайхо” ва бошқалар каби ишқий, дин, қахрамонлик, вафокорликларнигина гоё қилгон ҳаёлий эски асарлардан бошқа бир нарсаси йўқ эди. Унинг каби асарлар ўз даврларига кўра бирор рўмон бўлсалар-да, хозирги замоннинг эҳтиёжига ярамлиқ қобилиятлари ҳеч йўқ бўлиши билан баробар, зарарлиқ ҳам эдилар. Демак, ўзбек янги адабиёти табиатини тасвир қилувчи асрий рўмончиликда ҳеч хозирлиқ ва ҳеч тажриба ўтқармаган эди. Ўзбек адабий вазияти бу даражада бўлгон замонда Жулқунбойнинг оригинал бўлгон “Ўткан кунлар” рўмони чикмишди. Орадан беш-олти йил ўткандан кейин “Мехробдан чаён” рўмони-да тарқалди.

“Мехробдан чаён” ёлғуз Жулқунбойнинг иккинчи асари эмас, балки ўзбек янги адабиёти учун ҳам иккинчи рўмон эди. Ҳамза Ҳакимзоданинг “Миллий рўмон” номли кичик бир асари бўлса-да, унга бу кунги рўмончилик шароитида рўмон демак тўғри бўлмасди. Янги рўмон ва ҳикояларга мушток-чанқоқ бўлгон давримизда “Ўткан кунлар”и билан танилгон Жулқунбойнинг “Мехробдан чаён”и жуда ҳам шошилиб қутилар эди ва жуда аҳамият билан қаршуланғони-да қўрилди. Бу ҳол бир даража табиий ҳам эди. Чунки биринчи асарида анча муваффақият қўрсатқан Жулқунбойдан бир неча йил сўнгра чикодигон асарининг яна ҳам қомил ва гўзал бўлиши қерак эди. Локин “Мехробдан чаён” у истаклар-орзуларга жавоб бера олмади. Унинг “Ўткан кунлар”га нисбатан ҳам анча қучсиз холда чикканини бошдаёқ айта оламиз.

III. Рўмоннинг хулосаси

Асарни нукта-нукта танқид қилишдан бурун унинг бир хулосасини тақдим қила ёзувчиларнинг диққатларини яна бир дафъа рўмон устига тортамиз: “Мехробдан

чаён”нинг энг катта ва ёкимли кахрамони Анвардур. Хамма воқеа унинг атрофида айланади.

Анвар камбагал бир оиланинг ташланди ва кенжа боласи. Кичик бола экан ота ва онасидан етим қолади. Опасининг қарамоғида ўн бир ёшка етганда поччасининг огирсиниши сабабидин Солиҳ маҳзум уйига боқинди ва сигинди бўлиб қиради.

Солиҳ маҳзум қаби риёчи, виждонсиз, ҳоин, ҳасис, аҳмок, лакма бир киши кўлида ва тарбиясида Анвар аҳлокли, виждонли, шоир, ёзувчи, мафқурачи, саҳий, яъни жуда ҳам қомил бир киши бўлиб етиша боради(?).

Аҳлокли ва яхши маълумотли бўлиш соясида Худоёрхоннинг бош мирзоси Ражаббек Мирзога ёқади. Ражаббек воситаси билан ўрда мирзоларидан бўлиб қолади.

Вазифасида содиқлиги ва ҳолислиги хонга ҳам ёқади. Ражаббекдан сўнгра бош мирзолик Анварга берилади.

Анвар бош мирзоликни жуда истиғно ва кўнгилсизлик билан дўстлари ва Солиҳ маҳзумнинг ялиниш ва зўрлашлари билан қабул қилгон бўлади. Анвар бу мансабга: “Бундай булганч муҳитда ташлашлик вазифани ўз устимга олишдан ҳазар қиламен” (47 с.), деярлик даражада кўнгилсиз ва бу сўзни бир ифлос закотчи олдида сўзлайдиган даражада ҳасур бўлади. (?)

Мирзобоши бўлгондан сўнгра-да эски содда одатини бузмайди, гурур ва тақаллуф асари кўрсатмайди. Ўрда одатича ҳаракат қилмоғи сабабли Ўрда мирзолари қошларида унча менсимагани қаби Султонали мирзо қаби ҳолис дўсти томонидан ҳам танқидга учрайди.

Анвар бош мирзо бўлгонда ҳам қоронғу қолгон бир сабаб (Раънога бўлгон ишқ ёки яхшиликка қилгон вафо?) билан Солиҳ маҳзумнинг таъсири остида туради. Солиҳ маҳзумнинг ифлослиги ва аҳмоқлиги ўзига маълум бўлғони ҳолда, унинг қалолати билан Абдурахмон домла қаби ўз душмани бўлгон бир кишини қила туриб мирзоликка қолади. Сўнгра уни бекор қилиб адоватини қувватлантиради.

Ёшлиқдан бошлаб ўзи билан баробар ўсган Солиҳ маҳзумнинг қизи Раъно билан қаршима-қарши кўнгил боғлашадилар. Бу Раъно ҳам Анвар қаби шоир, аҳлокли, маълумотли, зақий, ҳасур бир қилрабо. (Тўғриси, Солиҳ маҳзум қаби ифлос бир типнинг тарбиясидан иққинчи дафъа бу қилрабонинг етишиши бир муаммо?) Оила орасида Анвар билан Раъно қотихалиқ саналадилар. Анвар ва Раъно қалогатга етишган бўлсалар-да, оила иқида баробар кўришиб, ўйнашиб, ёлғуз ерларда баробар қолиб юраберадилар(?). Муҳитдаги одат ва қаттиқ таассуб ҳилофида бўлгон бу ҳаракат ҳеч бир томондан танқид ва қаршуликка учрамасдан қавом этади. Қиз билан ўйигитнинг бирлашишларига оилада ҳеч бир қаршулик йўқ. Балки бирлашишлари истанилади. Лоқин ошқ ва маъшук тўй-ниқоҳ масаласини бир қожеани қутган қаби ҳеч бир сабабсиз ва иттифок билан тааххирга туширадилар. Бу тааххир натиқасида Анварнинг ишқ рақиб ва мансаб душмани бўлгон Абдурахмон домла ва бошқа душманлари бирлашиб қизни хонга олдириш учун қитна оқадилар. Бу қитнанинг шакли қоронғу қолмиш бўлса-да, қизнинг хон тарафидан сўралиши ва Солиҳ маҳзумнинг бу қолга қаҳр билан қози бўлиши кўрилади. Қизни хонга узатув қамонида ошқ ва маъшук баробар қавлат ва мансаблардан қечиқ бирқалашиб қоқадилар.

Бу қочиш билан ўрдадан Анварнинг алоқаси узилади. Тақбир билан Султонали мирзони ўз ерига мирзобоши қилиқ кетади. Леқин Анварнинг душманлари Абдурахмон, Шақодат, Қалоншоҳ мирзо Султоналига ҳам қарши ишлайдилар. Бу ишларнинг туси қоронғу қолмиш бўлса-да, натиқада Султонали мирзонинг Анварга баримта бўлиқ қолғони ва

охир Анвар ерида ўлумга ҳукм килингони кўрилади.

Бу хабарни Анвар саклангон ерида эшитиб токат килолмайди. Ўзи учун бир дўстнинг қурбон бўлишини истамайди. Ортик ишқини, ёрини ва ўзини вафокорлик йўлида фидо қилади, ўзи таслим бўлиб дўстини қутқармокни мақсад қилиб олади. Ёнида бўлгон ёрини алдагонсимол бир ҳолда бошқа томонга юбориб ўзи хонга таслим бўлади.

Худоёрхон уни ўз олдига чакириб сўроқ қилади. Анвар хоннинг саволига бошданок маъюсона жавоблар бера бошлайди. Ўлумга чикорилиб тургон замонда, “Сизда адолат борми? Жаноб?” сўзи билан Худоёрдан адолат тилаб Султонали мирзонинг ўз кўзи олдига озод килинувини сўрайди ва тиралиб туриб олади. Бу сўздан Худоёр инсофка келади. Жаллодларни тўктатиб Султонали мирзони келтиришга буюради. Султонали келтирилгунча Анвар хон олдига тўхтаб қолади. Султоналининг озодлигини кўргандан сўнггра-да Анвар ўз кўлини боғлатади. Бу замон хоннинг олдигаги домлалардан бири туриб хондан афв сўрайди. Хон қабул қилмайди. Анвар хонга ва мусохибларига таъзим қилгондан сўнггра жаллодлар билан чиқади.

Бозорда халқ орасида жаллоднинг пичоги Анварнинг бўғзига боргон чоқда Анвар ўз акаси Кобил томонидан ҳужум билан қутқорилади. Бир неча кун сўнггра Худоёрхон тупрогидан ошиқ ва маъшук баробар чиқади.

IV. Шартлар

Асрий рўмончиликда эски “рўмантик” (хаёлий рўмончилик) даврининг асослари битгандур. У даврнинг “идиёлизм”и ерига “реализм ва натурализм” асослари қўйилгондир. Яъни белгили бир гоё ва мақсад билан турмуш — ҳаётдаги воқеаларнинг бўлгонлари қаби тасвир этмақ асоси қабул қилингондур. Бу кун асрий рўмонлар учун қуйидагича асос шартларни кўзда тутмоқ албатта керак саналади:

1. Рўмондаги воқеаларнинг чин ва ҳақиқатга ўхшашлари, воқеаларнинг тусларида сунъийлик ва ғайритабиийликнинг сезилмаслиги.
2. Рўмондаги шахсларнинг ўрнақ ва ишларининг яшаб тургон турмушда учрашлари, яъни типларнинг характерларининг зехнларга яқин бўлишлари.
3. Рухий таҳлил ва табиий тасвирларда андоза — ўрталик (эътидол) бўлиши, яъни қоронғу бир таҳлил қандай тўғри бўлмаса муболагалик тасвир ва таҳлиллар ҳам шундай тўғри бўлмайди.
4. Рўмоннинг мавзуи билан яқин алоқаси бўлмоғон ва ёки бўлса-да рўмонни бўш ерга узайтирадигон тасвир ва таҳлиллардан сакланмок.
5. Воқеаларнинг бошдан-оёққа тўғри тобора қуч олаборгон таъсир билан сакта ва аризасиз бориши, воқеаларнинг бир-бирларига боғланиб боришлари.
6. Воқеаларнинг ораларида ёзувчининг ҳеч қўринмаслиги, яъни ёзувчининг ўз тилидан изоҳ, ишорат ва танбехлар қўрсатмаслиги.
7. Рўмоннинг умум рухидан бирор ибрат ва дарснгоҳи сезилиши.

Мавзу баҳсимиз бўлгон ва ҳулосаси тақдим қилингон “Мехробдан чаён” у шартларга мувофиқ тусда ёзилгон қомил бир асарми? Ёки қамчиликлари борми? Бу саволларга сўнгги сўзларимиз жавоб ўрнида тизилиб борадилар.

Тузуқ жихатлари

“Мехробдан чаён” тус ва тузилиш томонидан “янги” рўмон сифатига эга бўла олади.

Унинг баъзи мувофик ва оригинал жихатлари бор: мавзуи халкнинг зехниятидан узок эмас. Бу хол рўмоннинг англашилиқ бўлишига ёрдам эткан. Тили сучук, адоси тотли ва жумла тузулишлари енгилдур. “Сафо келдингиз, бош устига, алайхига” каби ўзбекча бўлмагон таъбирлари бўлиш билан баробар, омма тилига анча якинлашкон бир услуб билан ёзилгон.

“Хой етди, хуй етди, икки коски тўй кетди” каби омма, халк маколларини ўрунлик ерларда ёпишдуриб кетиши такдирга лойик жихатлардур.

Рўмон қахрамонларидан Солих махзум, Огача ойим, аскиялар, кирк кизлар каби типларни яхши кўрсаткан. Уларнинг типларини табиий демак мумкин.

Камчиликлари

“Мехробдан чаён” унинг каби баъзи яхши кайфиятларга эга бўлмок билан баробар, унга бош-оёқ тўқис, тўрт кўз тугал бир рўмон дейиш, албатта, шошилиброк берилган юзаки бир хукм бўлиб колади. Чунки бу асарга рўмончилик шартлари ва усули ва адабиёт коидалари билан караганда анча катта камчиликларни кўрмак мумкин. Зотан, рўмончиликда таржима ва таржима даври ўткармаган бир мухитда бирдан-бирга комил бир рўмоннинг чикуви мушкул бир ишдур.

Бунинг каби асарларнинг усталаридан бетарафона ва холис тусда усул ва коида айнаклари билан караб танкидларнинг юрушлари рўмончилик навъининг камол ва тараккийси учун ёрдам кила борадилар. Ва хозирда ягона рўмончи бўлиб танилгон истеъдодли ёзувчини огох килиш керак бўлади. Бунинг билан асарининг иккинчи табъи ва ёки ёзадигон бошка асарида хозирда кўрилган камчиликларнинг йўкола бориши мумкин. Бизда бу андиша билан “Мехробдан чаён”да камчилик деб ўйлогон нукталаримизни кўрсатиб ўтмакчи бўламиз.

V. Мафкура жихати

Хозирги кунда хар бир асар, хусусан, адабий ва ижтимоий асарларда мафкура жихати жуда хам зийраклик билан текширилади. Бунинг билан маданиятда орқада колгон ва фикрий йўлда ўсиб етмаган бир халкка фикрий ташвиш ва бузуклик берадиган холларга йўл кўймаслик учун саъй килинади. Бу яхши. Асосли ва идиалний бир тадбир.

Локин янги мафкура ва янги йўлнинг рух ва мохиятини англаб ва уни хазм килиб ва унга комил тусда риоя кила бориш учун илмий ва адабий кучлар кифоя килмай турадилар. Бу йўлда кучланиб ва кучаниб, таклид билан килингон ишлар кўплари муваффакиятли чикмогонларини кўрамиз.

Бу кайфиятни “Мехробдан чаён” асарида хам кўрамиз. Асар эгаси рўмонини янги мафкурага хизмат килдирмокчи ва унга риоя билан ёзмокчи бўлгон. У ўз мукаддимасида “...Иккинчи тарафда мазкур кора куч уламо алайхига чикиш, меҳнаткаш камбагалларнинг ахлоқ, сажия, оила, турмуш, бир-бирига алокаси ва самимияти...” каби сўзларни ёзади. Бундан рўмонга синфий бир ранг бермакчи бўлгони кўрилади.

Локин бу хошиш ва истак курук даъво холида колгон. Амалда ўзини кўрсата олмогон. Ёзувчининг ўзи-да бу холни сезган: “Уларнинг хон ва уламога карши исёни табиий — шаърийдур. Чунки ундан ортиги сохта бўлиши билан баробар китобнинг кадрили туширар эди” дейди. Бу сўз билан ўтмишдаги синфий курашнинг шу даража ва шу зехниятдан ошикча бир кайфиятга эга бўлгонини сўзлаб ўзини маъзур кўрсатмакчи

бўлади.

Демак, Жулкунбой асарининг синфий тусда бўлгани ва унга ўзбек тарихининг хазми кўтарган даражада синфий тусни бера олгани даъвосидадур. Хакикатда бўлса асарда синфий тус ҳеч кўринмайди. Хатто ўзбек тарихида ва турмушида мавжуд бўлгон кадаринда тасвир килишга ҳам муваффакият кўрсата олмайди. Мени асарнинг мафкура жихатидан баҳс этувга боғлагонда бу сўнгги нукта бўлди.

Бу сўзларимизни курук даъво холида колдирмаслик учун “Мехробдан чаён”нинг ўзига мурожаат киламиз:

1. Асарнинг маргуб кахрамонларидан Сафар бўзчи бор. Бу камбагал типдур. Сафар бўзчи Анварни ёклаб Абдурахмон имом ва Самад бўкок каби ифлос типлар билан мунокашаларда бўлгонини кўрамиз. Локин у мунокашаларга камбагаллик ва рухонийлик кураш рангини бериш мумкин эмас. Чунки Сафар бўзчини ҳамма харақати икки қари бўзнинг Анвар томонидан пора — ришват учун олинмағони атрофида тугилиб туради: “Икки қари бўзни олмағони рост” деб Самад бўкок билан ижакилашади, имом билан кекирдик керишади. Агар орадаги курашнинг бош сабаби ва иллати бу бўлса, Сафар бўзчи бошка бир ифлос кишидан ҳам шундай бир яхшилик ва эхсонни кўрса унга ҳам тарафдор бўлиши мумкин, инсонлик зехни Сафар бўзчининг кайфиятидан курашнинг камбагаллик хисси билан бориши ҳеч бир турлик чиқариб ололмайди. Сафар бўзчининг огзидан бир-икки ерда Анвар тўғрисида “фукаропарвар” сифати айтилган бўлса-да, биринчидан, бу сўз ўринсизрак ерда ахамиятсиз тусдагина айтилади. Асл мунокашанинг кўпинча фазлу камол атрофида айланиб қолиши у икки калима сўзнинг бор ахамиятини ҳам йўқотиб юборгон. Бунинг билан баробар “фукаропарвар” сифати бир хон, бир бек, бир улуг рухоний ва бир катта бойга ҳам берилиб кетган маълум сифатларнинг биридур. Бу сифат уларнинг гурур ва кибрларини китиклаб ва юқори табақа эканларини сездириб туради.

Тарихимизда бундай сифатларни олгон хонлар ва канча беклар ва канча рухонийларни кўрамиз. Кечалари шаҳарни айланиб учраган мухтожларга ёрдамлар қилиб юрган подшоҳларни биламиз. Бунинг билан у аристократ синфи пралетар синфидан бўлиб қоладиларми? Юз марта йўқ. Балки, у кайфият уларнинг яна ҳам уста ва айёр тулки эканларини кўрсатувчи бир кайфиятдур.

Хулоса рўмоннинг қувватли камбагал типи бўлгон Сафар бўзчининг харақатларидан синфий кураш сезгиси берарлик бир кайфият англашилмайди.

Холбуки, Сафар бўзчи тилидан Анварни ёклашда “ўзи камбагалдан чиққан, каттикликларни кўб-кўб кўрган, етимлик ила ўсган, унинг учун бизлар каби камбагалларга кўб қайишади, бизнинг каттик ахволимизни яхши билгани учун юраги ачийди, бунинг мисолларини унда кўб кўрамиз...” каби ўзбек халқи орасида шуурсизча ва рухдагина бўлгон исёнларни кўрсатувчи сўзлар сўзласа эди ва энг қувватли иллат ва сабаб бунинг каби сўзлар бўлса эди, албатта, бир даражада бўлсин синфий хис берилган бўлар эди. Бу шакл яна ҳам табиий, яна ҳам чуқурроқ сезги берур эди.

2. Абдурахмон домла (“Мехробдан чаён” шудур), Шаходат муфти, Калоншоҳ мирзолар Анварга қаршу эдилар. Локин қаршулуқнинг боши ва энг қучли иллати “хотун талаш”, мансаб талашдур. Сўнгра мубохасада Анварга юклатилган айбнинг ҳамма қуч ва қуввати фазлу камол мубохасасидур: “Ўрда ичида шунчалик оқил ва донолар туриб ёткон бир фурсатда тахсил кўрмаган нодон бир гўдакка бундай улуг бир вазифа валлоҳи аълам топширилмас деб ўйлаймен. Бу вазифани ухда қилмок учун кўп гап керак. Аввало аҳли солим, сониян тахсили том лозим, вахоланки, сиз айткан йигит ўткан саналар Солих

махзумда савод ўкиб биздан хижча ўрганиб юрар эди. Бахархол бу хабарга акл бовар килмайди” (78-саҳифа). Биз Абдурахмоннинг бу сўзларидан фазлу камол мубохасасидан бошка нимани англаймиз?

Абдурахмон домла Солих махзумнинг кизини Анвар олиш эҳтимолига кўра уни жек кўради. Сўнгра Анвар томонидан мирзоликдан хайдалиши у жекни адоватга айлантириб юборади.

Шаходат муфти, Калоншоҳ мирзолар Анварнинг ўрнига ўзларини лойик кўрадилар, чунки мирзоликдагина умр ўтказиб келганлар, унинг учун Анварга душманликлари табиий деярлик даражададур.

Мана бу уч мутаффик киши Анварга айб актарадилар. Топкон айблари ҳам нодонлик, тахсилсизликдир.

Ўртадаги курашнинг бош иллоти бунинг каби шахсий адоватлар ва фазлу камол тортишмачоги бўлса, энди курашнинг икки имом, икки муфти яна аллакандай икки золим ва ифлос ораларида ҳам бўлмоғи жуда мумкин, балки жуда кўбдур.

Бу макомда бу уч киши томонидан Анварга яна ҳам табиий, Анварнинг холига зид тушмайдиган, ўрда маросимларига мувофиқрок бўладигон ва ўрта халкнинг чиркин ишларига яна аралашадиргон ва айни замонда синфий хис берувчи маълум ва машхур сабаблардан сайлаш керак эди. Масалан: “Анвар пас ва тексиз бир кишидир, чилласи чирок кўрмаган, назари пастдир. Солих махзум каби яна бир паст одам эшигида каттик панжшанба нон еб, кўртик кўриб ўсган бир сигинди етимдир. Ўрда маросимларига ҳеч лойик бўлолмайди. Бундай паст кишини шундай улуг ўринга ўтқариларми? Хусусан, у ўринга мустахиклар ва муносиб кишилар тургонда” каби сўзлар билан айбламак мумкин эди. Бунинг каби маълум сўзлар халкнинг зехнига яна ҳам якин, кулогига яна ҳам ошна, айни замонда синфий бир сезги берувга қобилиятли бўлар эдилар ва айни замонда табиий ҳам эдилар. Чунки эскида бир мансаб бериладиган бўлгонда бу мансабга лаёқатни фазлу камолда актарилмас эди.

Энг аввал шуҳрат, ижтимоий аҳвол ва насаб суриштирилар эди. Бунинг учун битмас, туганмас интиригалар ўйнанилар эди. Тубан синфдан бирининг фазлу камол ва ахлоки билан кўтарилиши хонлик даврларида йўқ эди. Хамда у даврга бу кайфият ярашмас эди.

3. Рўмоннинг улуг ва севимли қахрамонларидан бири Султонали мирзодур. Унинг ижтимоий мавқеи тамом қоронгу қолгон. Унинг ўз сўзидан хунарида ихтисоссизрак, катта мансабларга чиқа олишдан умидсизрак, факат оқ қўнгул, ахлокли бир киши бўлғони сезилади. Локин Анвар билан бу қадар жонажон, қил ўтмас ва жон фидо дўст бўлиб қолишининг сабаби тамом қоронгу, уни ҳеч бир ердан сезмаймиз.

Холбуки, бу икки дўстнинг мунчалик каттик боғланишларига қучли сабаблар кўрсатиш керак эди. Масалан: “Султоналининг фақир оиладан бўлиши, ўрдадаги асилзода маъмурлар, муфтилар, шоирлар билан яқинлаша олмаслиги, улар ўз ораларига уни олмасликлари, бу холи билан Анвар билан шерик ва бир вазиятда бўлғони...” каби кайфиятларни сабаб қилиб кўрсатиш керак эди. Бунинг билан бир синфга мансуб икки киши иккинчи синф қаршусида бирлашган бўлар эдилар. Бу ҳол ҳам табиий ва воқеийликдан узокка кетмас эди.

4. Худоёрхон суҳбатида аскиялар-артистлар тамошо берадилар. Улар бекларни, мударрисларни, ўрда ахлини, ҳатто хоннинг ўзини турлик оғир ва маънидор сўзлар билан масҳара қиладилар. Хоннинг энг яқин бир мударрисининг маҳаллийчилик сирини очиб шарманда қиладилар.

Модомики аскиялар бунчалик жасорат қила оладилар, уларнинг ўюнларидан яна ҳам

маънидор нукталар олинса бўлмас эдими? Масалан, мударрисни махаллийчилик билан ўз шахрларини ёкламок ва кўлламок билан айблайдилар. Мударриснинг бу холи ерида уни синфий бир тусда бўлгон айбини олмок лозим эди. Яъни бек ва бой болаларини эркалаб қабул килиш, хадя келтирмаган камбагал болаларини мадрасага қабул килмаин касб ўрганишга далолат килиб кайтариш холлари билан айбламок жуда мумкин эди. Бу тус ҳам табиий бўла олади. Чунки хон олдида бундай тамошо берилиб ўтганини у даврни кўрган бир неча кишилардан неча дафъа эшитган эдим.

5. Анварнинг Кобил номлик бир акаси пайдо бўлади. Унинг икки адад ишчи йўлдоши ҳам бўлади. Булар ҳам Худоёрнинг феълени ёктирмайдилар. Локин Худоёрнинг хонлигини эмас, ёмон хон бўлгонини сўзлаб сўкадилар: “Бу хон эмас, даюс” сўзи ерида “хон ва бекларнинг ҳаммаси шунака даюс” демайдилар. У кадар сўзни деган Рахим бу сўзни деялмас эдими? У сўз табиий воқеий бўлади-да, бу сўз гайритабиий ва гайривоқеий бўлармиди?

Рўмонда бунинг каби ахволни яна кўрмак учун йўллар бор. Бу кадар ҳам бир фикр берарлик бўлгони уларнинг изоҳидан кўз юмдик.

Хулоса:

“Мехробдан чаён” ўз мукаддимасида “мумкин кадар синфий бўлишга урингони”ни билдирса-да, ва табиий бўлгон кадар эскидаги синфий ахволни кўрсатганини хабар берса-да ҳақиқатда, эски турмушда шуурсиз тусда давом эткан ва бор бўлгон синфий сезгиларни том мавзулари келганда ҳам кўрсата олмайин ўткан. Модомики, рўмон, синфий бўлишга урингон албатта ундай нукталарга эътибор килмаслиги улуг камчиликлардан саналади. Рўмон ёзувчисининг янги мафкурага рухан таниш ва йўлдош бўлиб етмаганини очик изоҳ этади. Куйида рўмоннинг тузулишидаги камчиликларини кўрсатканда ҳам бу кайфиятка далолат килурлик нукталарга учрай оламиз.

VI. Тузулиш хатолари

Рўмончиликда риояси лозим бўлгон шартларнинг бири бу эди: воқеаларнинг орасида ёзувчининг ҳеч кўринмаслиги лозим. Ёзувчининг сўз орасида ўқувчиларга хитоб килиб ўз тилида сўзлар кўшиши ҳеч тўғри бўлмайди. Асрий рўмончиликда бу кайфият жуда катта айбдур. Рўмон ёзиш усулидан хабарсизлик саналади. Ёзувчида бу хол “хаёлий рўмончилик” замоналаридаёқ тугаб кетган.

“Мехробдан чаён”да бу кайфият жуда кўб ерда ва жуда очик холда кўринади. Улардан бир кисмини ўзича ва бир кисмларини ишоратлар билан кайд этиб ўтамыз:

1. “Мунинг можароси эса куйидагичадур: Туркистон хонлиги тарихидан хабардор кишиларга маълумдурки” (саҳифа,8).
2. “Юкорида ўқувчиларга бир даража англашилгон бўлса керакки... ҳар холда бизнинг мундаги вазифамиз маҳзумни таҳлил килиш эмас балки...” (14-саҳифа).
3. “Шу ергача бир неча саҳифаларни маҳдумнинг таърифи билан тўлдирдик. Эҳтимолки, домланинг гийбатини ҳам килдик ва килармиз...” (19-сах.).
4. “Бу акчалар хусусида кейин сўз бўлади” (21-саҳифа).
5. “Мухтарам ўқувчини кахрамонларимизнинг бир кисми билан таништиришни шу ерда тўхтатаиз...” (26-саҳифа).

Бунинг каби сакта сўзлардан йигирма ерда кайд этканман. Буларнинг ораларида шундай узун ва ўрунсиз тушганлари борки, у ерни ўқугон вақтда инсон асарни рўмон

эмас, жиддий бир асар бўлгонини ўйлаб колади. Бундай жуда ўрунсиз бўлиб тушкан сакталардан бири-да 95-нчи саҳифададур.

“Мехробдан чаён” ёзувчиси ўқувчиларга масаланинг англашилмай қолишини андиша қилади. Унинг учун танбех ўрнида шундай изохотларни бергиси қелади.

Бу шакл қай тусда бўлса-бўлсин, рўмончиликда жуда катта айбдур. Асрий ва реалист рўмонларда ҳукмлар воқеанинг бошига ҳавола қилиниб қўйиладилар. Ёзувчилар ўз тилларидан ҳеч бир нарсани сўзламайдилар, ўзларини тамом ўртадан чиқарадилар. Рўмонда бу қайфиятнинг хунуклик даражаси саҳнада туриб ўйин орасида халққа қараб, ҳато қилиб сўзлаб кетган артистнинг ҳаракатидан ҳам қучли саналади. Бу қайфият хунарсизлик аломати саналади. Эски ҳикоя китобларидаги: “Шу ерда ҳодиса..., энди бир шингил сўзни доғулидан эшитинг...” қабил сўзларга ўхшагон бу қайфиятнинг янги рўмонларда бўлишлари ҳеч тўғри эмас.

VII. Гайритабиий жихатлари

Рўмондаги воқеаларнинг табиий тусда бўлишлари қераклигини рўмоннинг шартларидан санагон эдик.

“Мехробдан чаён”да ундай гайритабиий ҳолларни анчагина учратдик. Бу ҳолни биз рўмоннинг бир неча қаҳрамонларида қўрамит:

1. Анвар қабил “олим, шоир, ахлоқли, виждонли, тарбияли, мафқурачи, жасур” бир киши Солиҳ маҳзум қабил “риёчи, мунофиқ, виждонсиз, ҳасис, аҳмоқ...” бир кишининг тарбиясидан етишади. Яна бу Солиҳ маҳзум тарбиясидан Раъно қабил “олима, шоира, виждонли, тарбияли, жасур, озод фикрли” бир киз ҳам етишади. Бу иккисининг бу тусда қомил бўлишларига ҳеч бир тур турлик бошқа таъсир қўрсатилмайди. Буларнинг тарбияларини “тиқондин гул, аридан бол” қикқанини қисол қелтириб қайбий таъсирларига қилагони қўрилади.

Бу ҳол тарбиянинг таъсиридан ва идеянинг идеяга таъсир қилишидан ҳабарсизлик қижақсида тугилгон бир қайфиятдур. Солиҳ маҳзум қабил ифлос типдан Анвар ва Раъно қабил икки қомил шахсларнинг қикувларига инонқиқ учун “аътой қайбий, қазли илохий”га инонқиқ иқиоб этади. Шу ҳолда Анвар ва Раъно қабил қомил типларнинг Солиҳ маҳзум тарбиясидан етишишлари тамом қайритабиий бир ҳолдур.

Бу қайритабиийликка йўл қўймаслик учун уларнинг тарбияларига бошқа бир таъсир қириши қерақ эди ва ёки Солиҳ маҳзумни улар қилан қавияда қаробар, қулфат ва фалокатда шерик бўлгон севиқли типлардан қилиб қўрсатиш лозим эди. Зотан, етим Анварни тарбиясига қабул қилиш қилан унинг қишилиги бошлангон эди.

2. Сафар бўзқи асардаги изохотнинг иқодасига қўра қодда, қилимсиз ва леқин тоза қўнқил бир киши. Бундай қодда бир кишининг Абдурахмон имом ҳижрасидаги қир сўзларни олдирув учун йўногон қўли тамом қайритабиийдур. Қунқи у қўлни йўнақиқ учун Сафар бўзқининг қатта бир қиёсий ва тақрибада-да бир қўмитачи бўлиши лозим бўлади.

Бу воқеадан кейин ҳам Сафар бўзқининг қоддалиқ типиди қилиши у қайритабиийликни қана қувватлаб тушади.

3. Том бир ёски оила ва ёски одат ва анъаналардан қойдаланиб тургон Солиҳ маҳзум оиласида Анвар қилан Раънонинг муносабатлари тамом қайритабиийдур. Қунқи рўмондаги воқеанинг қамони қамонимиз эмасдур, таассуб анъана ва одатларнинг ҳуқи сурған қамонидур. У қамонда икки етишған йигит ва киз ўртада ниқирав бўлған ҳолда

кизнинг кочмасдан юриши, хусусан, уларнинг фотихалик бўлгонлари маълум бўлгон замонда у кайфиятнинг давом этиши мумкин бўлмагон бир даражададур.

Йигит ва кизни фотихалик эканлари хорижда маълум бўлмаса, балки Солих махзумнинг бу ҳам киши билмас ишларидан биридур демак мумкин эди. Локин бу хол хар томонда, хатто ёш болалар ораларида ҳам маълум. Масалан, Раънонинг укаси “миллатанинг хотини” деб Раънони сўкади.

Шу холда Солих махзум ҳеч бўлмаса юртнинг маломатидан андиша килиб Раънони Анвардан узок тутиши лозим бўлар эди. Бу хол ўрнига Анвар билан Раъно тамом озода кўйилгон. Кечалари, кундузлари ёлгуз бог ва ёлгиз ховлиларда ёлгиз қолишадилар. Бунга на оила тарафидан ва на махалла, кавму-қариндошларнинг таъналари таъсиридан ҳеч монёъ йўк. Локин ўзлари эскидаги ахлоқ зехниятига тамом садокат кўрсатиб жинси муносабат бошламайдилар. Бизча, бу кайфият эски турмуш шароитига нисбатан тамом ғайритабиийдур.

4. Анвар дўсти Султоналини ўлумдан қутқариш учун ўзи хонга таслим бўлади. У тўғрида ишк ва ёрни фидо қилади. Бу кайфият бизга ошик ва бир даража инқилобчи Анвар эмас, балки эски хинд адабиётидаги ва “бахоридониш” ҳикояларидаги вафони хар нарсадан юқори тутгон вафодорни кўрсатади.

“Мехробдан чаён” севимли қахрамони учун бу тусдаги вафокор муносиб эмасди. Балки ўзи хонга таслим бўлгонда дўсти билан баробар қурбон бўлишини тушунган, ўз ақаси Қобилнинг таклифини қабул қилиб дўстини тадбир билан қутқариш йўлини ўйлаган, бул бўлмагон тақдирда интиком учун қурбат қутган инқилобий фидокор қерак эди. Ўзини пичок остидан қутқаргунча ўзи ҳам бошқалар билан баробар дўстини пичок остидан қутқариши ёки бу замон баробар ўлиб қетиши яна ҳам муносиброк тушар эди.

5. Анвар Ҳудоёрхонга таслим бўлади. Хон уни ўз олдига ундаб сўрок қилади. Бу холнинг Анвар тилидан бир неча жумла жонли сўз сўзлатмок учун яратилгони сезилиб туради. Бу хол бошқачарок яна ҳам табиийрак тусда бўлиши қерак эди. Анварнинг хонга қаршү сўзлаган сўзларида берган жавобларида ва кўрсатган қаракатида ҳам табиийлик йўк. Сунъийлик сезилиб туради.

Ҳудоёр Анварни ўлимга ҳукм қилгон замонда Анвар чексиз бир қувватга эга бир киши эмиш қаби ҳокимона бир вазият олади. Хоннинг адолатига муқожаат қилиб Султонали мирзонинг озод қилинишини талаб қилади ва тиралиб туриб олади.

Хон ҳам инсофга қелиб Султоналини Анварнинг кўз олдига озод қилдиради.

Бу кайфият қолим бир хонга нисбатан тамом ғайритабиийдур. Чунки бу мақомда Ҳудоёрга Султоналини ҳам баробар ўлумга юбориш яна ҳам муносиброк бўлур эди. Бир хонга ярашадигон хол бу эди. Қўллари қонли бир хон шу замонгина кўзларда қонланар эди.

Бу замон Анварнинг хонга қарши хар бир истаганини сўзлаб қикиши яна ҳам табиийрок бўлур эди.

Бу нукталар қаби бошқа нукталарда ҳам диққат қилинса эски турмуш шароитига нисбатан анча ғайритабиийликлар учрайдилар.

VIII. Сакталар

1. Абдурахмон домланинг “мехробдан чаён” бўлиши қийинлик билан англашилади. Агар Абдурахмонга бир-икки ерда “чаён” дейилмаган бўлса эди воқеанинг қоришидан ва униг ўйнагон рўлларида “чаён” деб қабул қилиш мушкул эди.

Воқеа рўмоннинг аввалида Бухорода кўлдан-кўлга нозу ишва сотиб юрган Абдурахмон номлик бир болани яхшигина таниймиз. Унинг охирида фазлукамолига мағрур бир домла бўлиб қайтишдаги ахволини-да яхши англаймиз. Локин Абдурахмоннинг у ахволи “меҳробдан чаён” бўлишига сабаб бўладигон ахвол эмасдур. Бунинг билан баробар у ахвол Абдурахмоннинг ёшлик чоғида бўлади. Рўмон ўзвучининг мўътариза сўзлари каторида “Таассуфки, бузгон эдилар” дегани каби Абдурахмон бошқаларнинг адаштиришлари билан у бузук маиший йўлга ўргатилган эди. Зохирий, жисмоний ва маиший, хусусан, ёшлик чоғидаги бузук ахволнинг у шахснинг табиатига ҳар бир жихатдан ҳоким бўлиб қолиши ҳеч бўлмагон гап. У ахволнинг асл табиатга таъсир қилишини ҳеч бир олим ва ҳеч бир фаннинг айтиши у ёқда турсин, ўйламаган-да. Шунчалик борки, агар биз Абдурахмоннинг сўнгги ахволини яхши танигон бўлсак эди, у ахвол ҳам бизга ёрдамчи маълумот бўла олардилар.

Локин Абдурахмоннинг сўнгги фаолияти ва рўли қоронғу тусда қолиб кетади. Унинг тилидан нақл этилган сўзлар фитна ва фасод бўлишдан кўра тадбир ва зақо сезгисини берадилар. Айни замонда, унинг ўйнагон рўли Шаҳодат муфти ва Қалоншо мирзоларнинг рўлларида ошқоча бўлмайди.

Бизча, Абдурахмоннинг кизни хонга хабар бердириш нуқтасини жуда очик ва тафсил билан аңлатилиши керак эди. Солиҳ маҳзум каби иккинчи даражадаги қахрамонга бир неча фасл айирган рўмоннинг бу энг керакли нуқтага-да бир-икки саҳифани бериши керак эди.

Сўнгра Анвар қочқондан сўнгра Султонали мирзони ҳам бадном қилиш учун ариза ва унинг усуллари, мазмунини керакли ва жонли нуқталар эдилар. Улар қоронғу қолиб кетдилар. “Чакангиз сийка эмасми” учун махсус фасл берган ва Шаҳид зақотчи каби воқеада рўли бўлмагон бир кишига узун изохот бағишлагон рўмоннинг “Меҳробдан чаён” белгилаш учун ҳам бир неча фасл бермади керак эди.

Мана, Абдурахмон каби катта қахрамоннинг том фаол бўларлик замондаги қоронғу қолгон холи рўмон учун каттагина сакта ва аризадур.

2. Султонали мирзонинг уйига Анвар Раънони олиб боради. Бундан сўнгра воқеа хатланиб кетилади. Бирдан-бирга Султоналини тунқатор ёнида қасимчи ва хоин қолда кўрамиз. Бу қол шундай бир тусда кўрсатиладики, Султонали Анварга қиндан хиёнат қилгон.

Сўнгра рўмон бу сактани сезади. Айрим бир фасл билан Султоналини оқламокчи бўлади: “Биз ўтган 51нчи фаслда Анвар билан Раънони Султоналининг дарбозасида қўйиб 52нчи фаслга сакраган эдик. Шунда қала қолгон бир неча ахволни ҳозир айтиб кечмасак муҳтарам ўқувчига Султонали масаласи бир оз аңлашилмай қоладигон кўринади” бошламаси билан у қатони тузатиб ўтмакчи бўлади. Аввалги тухматини бу ерда Султонали устида отмокчи бўлади.

Бу қол жуда очик сакта ва аризадур. Султоналининг бирдан-бирга хоин тусига ўтиб кетишидан “ноғихон тушқан тўгондан қаёққа оқарини билмай шошиб қолгон оқин сув” каби зехнлар ўз оқим ва интизомларини йўқотиб қўядилар.

Сўнградан қилингон тузатишда “қайтдан кейин сурма” наъидан бўлгон ва қелишмаган бир қайфият. Айниқса, уни ўзвучининг ўз тилидан нақл қилингон тусда аңлатилиши катта қатоларидандур.

IX. Типлар

1. Рўмонда кўрсатилган типларнинг кўрсатилишлари турли зид холлар ва кучсиз кайфиятларни кўрсатадилар. Солих махзум, ўрда кизлари, аскиялардан бошка типларда камчиликлар жуда кўб. Энг катта кахрамон Анвар инкилобчими? Ошикми, мафкурачими? Ёки хар нарсани дўст учун фидо килувчи “вафокор”ларданми? Белгилаб бўлмайди. Бу сифатларнинг хар бирига Анварнинг эга бўлгон нукталарини турлик ерда кўриб турамиз. Рўмон бу сифатлардан кайси бирини Анварга асосий фикр килиб бергани каронгу. Вокеа тўғри келган тусда ўзгариб, аралашиб кетаберади. Анвар каби фикрли, тадбирли, доно киши учун Солих махзум каби ифлос типнинг доимо таъсири остида бўлмагон бир кайфият. Ундай бир кайфиятни зарур кўрсатувчи бирор нукта йўк.

2. Раъно типда йўк бир нарсадур. Ўзбек эски хаётида мунчалик ўзига эга, маъшуки билан оиласи кўзида ойларча бирга қолиб мумонезат кўрмаган бир кизни хаёлдагина яратмок мумкин. Эски “Бахоридониш”да ҳам типни мунчалик хаёлий килиб кўймайди. Сўнгра Раънони мунчалик фидокор, вафокор ошик билганимиз холда, Анвардан айрилган замонда унинг хажрини тараннум килмайди. Балки Анварнинг фалокат замонида ёнида туриб тасалли бермаганини хотирлаб хафа бўлади. Бу хол бизнинг шоира, жасур, яна аллакандай сифатлар билан танигон Раъномизга ярашмайди.

3. Энг кучли, ёмон ва золим тип килиб Худоёрхонни жонлантормок лозим эди. Лекин хоннинг шахсияти жуда бузук кўрсатилган. Худоёр гох “Онаниз арабми?” деб мирзоларни арабчани кўб ёзгонлари учун итоб килади. Демак, бунда миллий сезги кўрсатилмакчи бўлинади. Гох русларга карши кучлик кўринмак учун маданий ишлар кўрувни лозим кўради. Демак, Худоёр мударбир ватанпарвар бир сиёсий (?). Гох фазлу камолини тақдир килиб ўз ўрдасининг маросимларига риоя килмайн Анварни мирзобоши килади. Демак, Худоёр хакикатчи.

Гох Анварни ўлумга ҳукм килгонда унинг талаби бўйинча инсофка келиб Султонали каби ноҳак ерга зиндонга тушган кишини озод килади. Демак, Худоёр адолатчи. Ва Анварга берилган жазода адолат тақозоси. Хоказо...

Рўмон ўзвучиси балки буларни билиб ва шуур билан килмайди. Унинг мақсади балки Худоёр типини золим ва ифлос килиб кўрсатмакдур. Буни кўрсатувчи ерлари-да бор. Локин у у кайфиятларнинг ўз мақсадига зид тушишларини англая олмайди.

Бизча, хоннинг типини доимо зулм ва кон билан бўёлгон бўлиши керак эди. Уни доимо кизларнинг олдида, доимо гафлатда кўрмагимиз керак эди. Анварнинг талаби билан Султоналини инсофка келиб озод килиш эмас, балки Султоналини-да кўшиб жаллодга топшириши керак эди. Чунки Худоёр бир дафъа Султоналини бадгумон билан зиндонга солмишди. Анвар уни ёкламок билан у гумонни кувватлаб тушган эди. (Зотан, хонга данус килгон Абдурахмон ва шериклари бу эҳтимолларни тушинган эдилар. Уларнинг бизга коронгу колгон аризаларида албатта уларни айтган бўлишлари керак.)

Шу замондагина кўллари конли зулм хайкали бўлгон бир хонни гавдалантормак мумкин эди. Шу замондагина бир хон типини яратилгон бўлар эди.

Бунинг каби рўмоннинг кўб типларига синчиклаб каралса, кўб ярашмагон ва бир-бирига тўғри келмаган холлар кўрилиб турадилар.

Х. Таъсири

Рўмоннинг воқеаларида чуқур маъно йўк. “Ўткан кунлар” рўмонидангича “Тошкент — Фаргона орасида чўл, биёбонларда ёлгуз фирокни тушинган”, “дабдабали киёфа билан

киз юртининг атрофида висолни ўйлаган”, “фалокат замонида ёрини куруглагон” Отабек холидаги чукур маъноларнинг ишларини биз “Мехробдан чаён”да кўролмаймиз. “Отасининг ва анъананинг таъсири билан узун замон жудолик мотамини туткон”; “ёрини ўлумдан куткармок учун калъа беги дарвозаларида азоблар тоткон ва тадбирлар хозирлагон” Кумушбининг кайфиятининг мисолини “Мехробдан чаён”да учрата олмаймиз.

Анвар билан Раъно доимо висол ичида юрадилар. Никохнинг таъхири, айрилишнинг тугилиши ҳеч сабабсиз ва маъносиз суратда тугилгон бир кайфиятдур. Бунинг каби анчагина холлар рўмонда гиромий кайфиятларнинг бўлмагонларини кўрсатадилар. Гиромий кайфият эрса рўмон учун лозим эди, шарт эди.

XI. Хулоса

Хулласки: “Мехробдан чаён” тили, услуби, янги рўмон бўлиши ва ёлгуз-ёлгуз карагонда баъзи тақдирга лойик нукталарга эгалик эътибори биландур. Сийрак жихатларга эга бўлса-да, асл рўмончилик шартлари ва усули жихатидан карагонда унинг ҳар бир фаслида ва ҳар бир типиди ва ҳар бир воқеасида ҳато ва камчиликлар кўбдур. Гоя ва мафкура эътибори билан-да белгили бир йўл тута олмагон. Ўзининг даъвосича, “мумкин қадар синфий бўлиши” масаласи-да қуруқ даъво холида қолгон.

Бу холлар билан баробар мавзуи гўзал ва бир даража ишлангон бўлганига кўра асослироқ бир тузатиш билан гўзал рўмон бўла олишини айтмак мумкин. (Битди).

Бошқармадан: Мақолани фикр олиш йўли билан босамиз.

“Шарк ҳақиқати” газетаси, 1929 йил, 1 — 2 апрель.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2008 йил 16-17-сонларидан олинди.